

КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Жумаева З.К.,

Асадов М.Н.,

Аслонов Н.Ж.

Осиё халқаро университети

Аннотация. Мақолада кичик бизнеснинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, инновацион тараққиёт талаблари бўйича барқарор иқтисодий ривожлантириш юзасидан ривожланган ва ривожланаётган хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ҳамда муҳим тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: кичик бизнес, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ташкилотлари ва фондлари, ривожлантириш дастурлари, инновацион соҳадаги кичик бизнес.

Annotation. There is analyzed in the article experience of developed and developing countries to ensure the effective operation of small and medium enterprises. As well it is developed recommendations for sustainable economic growth matching requirements of innovative development.

Keywords: small business, organizations and foundations supporting small business development program, small business innovation.

Жаҳон тажрибасига кўра, кичик бизнесни ривожлантириш нафақат ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлайди, балки мамлакатларда амалга оширилаётган сиёсий дастурларда ҳам ўз аксини топмоқда. Кичик бизнесни ривожлантириш жамият таркибида ўрта қатламнинг улушини ортиши, шу билан бирга мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Кичик бизнес АҚШ, Германия, Хитой, Франция, Япония, Италия каби ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни барқарорлаштиришда катта аҳамият касб этади.

Буни рақамлар билан ифодалайдиган бўлсак, кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги улуши АҚШда 50 фоиз, Японияда 55 фоиз, ХХРда 60 фоиз, Индонезияда 59 фоиздан зиёдни ташкил қиласди.

Мамлакатимизда ҳам кичик бизнеснинг ривожланиши давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган бугунги кунда унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, инновацион тараққиёт талаблари бўйича барқарор иқтисодий ривожлантириш юзасидан фойдаланилмаётган имкониятлар ҳали катта. Бу борада ривожланган ва ривожланаётган хорижий мамлакатларнинг бой тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

АҚШда кичик бизнес¹

АҚШда кичик бизнес Буюк Депрессия даврида ривожланди. Шу сабабли унинг даражаси барқарор тарзда юқорилигича қолмоқда.

Ҳозирда айрим мамлакатларда ишлаб чиқарила бошланаётган давлат дастурлари АҚШда 1932 йилдаёқ ишлаб чиқилган. Шу билан бир вақтда Буюк Депрессия давридан кейин давлат томонидан уруш оқибатида азият чеккан кичик корхоналарни субсидиялаш бошланди. Айни пайтда айнан кичик бизнес ўзининг муҳим ижтимоий аҳамиятини қайд этган ҳолда АҚШ да янги ишчи ўринлар яратишни таъминлади.

1953 йилда АҚШда Федерал Агентлик –АҚШ кичик бизнес ишлари бўйича маҳсус Маъмурият тузилиб, ўша кундан бошлаб ҳозиргача мазкур агентлик кичик бизнес манфаатларини давлат даражасида ҳимоя қилмоқда. Ушбу ташкилот филиаллари барча йирик шаҳарларда жойлашган, шу тариқа кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсати АҚШнинг асосий иқтисодий марказларигагина эмас, балки барча штатларга тарқалмоқда.

Кичик бизнес ва унинг филиаллари ишлари бўйича асосий вазифалар қуидагилардан иборат:

- бизнес учун кредит олишда ёрдам;
- АҚШ да кичик бизнесни техника ва ахборотлар билан таъминлашда қўллаб-қувватлаш;
- бизнес учун кредитлар бўйича кафолатлар тақдим қилиш;

¹ <http://www.sba.gov/aboutsba> Сайт Администрации Малого Бизнеса при Президенте США (Small Business Administration - SBA)

- ўз бюджети маблағлари ҳисобига кичик бизнесни бевосита субсидиялаш ва кредитлаш.

АҚШ да кичик бизнесни аниқлайдиган мезонлар тизими пухта ишлаб чиқилган. Бу мезонлар кичик корхоналар ва улар ишлаётган тармоқларнинг фаолият турига боғлиқ. Бир соҳа корхоналарида ишловчилар сони белгиловчи ҳисобланса, бошқаларида оборот ва фойда шундай ҳисобланади.

Кичик бизнес корхоналарига нисбатан хуқукий қонунчиликни сақлаш учун Федерал агентлик каби маҳсус Адвокатлик бўлими тузилиб, у суд ва Конгрессдаги бизнес манфаатларини ёқламоқда. АҚШ хукумати ўзининг иқтисодиётни ривожлантириш концепциясида кичик бизнесга асосий роль беради. АҚШ хукумати вазирларининг маъruzalарида кичик бизнес бутун иқтисодиётни соғломлаштиришнинг муҳим дастаги эканлиги мунтазам ёритилиб келинмоқда.

Бу ерда АҚШда кичик бизнесни ривожлантиришдаги тафовутлар яққол кузатилмоқда. АҚШда анча илгари кичик бизнес давлат даражасида иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган. Кичик бизнес турли дастурларини яратишдаги АҚШ тажрибаси жуда қимматлидир, чунки барча дастурлар ҳаққоний ишламоқда, уларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари кўзда тутилган.

Испанияда кичик бизнес²

Испанияда кичик бизнес XX асрнинг 70-йилларида шаклланди ва фаол ривожлана бошлади. Кичик бизнес ривожланишининг юқори даражаси туфайли юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришилди. Кичик корхоналар мамлакатни ишсизлик муаммосидан ҳоли қилишда ёрдам берди, умумий юксалишга хизмат қилди. Испания кичик бизнесининг айрим тармоқлардаги салмоғи 80%гача (қишлоқ хўжалигига) етади, қолган тармоқларда (қурилиш, саноат, кемасозлик) ўртacha 25-30%ни ташкил қиласиди. Кичик бизнес корхоналарининг асосий тармоқлари, биринчи навбатда, агросаноат мажмуаси, қора ва рангли металлургия, озиқ-овқат саноати (маҳсулотлар, қандолатчилик, виночилик маҳсулотлари), қурилиш, туризм ва ҳ.к. ҳисобланади.

² Основные характеристики систем государственной поддержки и развития малого и среднего предпринимательства зарубежных стран. // Пятая Всероссийская конференция представителей малых предприятий «Инфраструктура развития и поддержки малого и среднего предпринимательства». – М., Московский центр развития предпринимательства, 2017

Испанияда катта миқдорда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилган.

Испания хукуматининг асосий эътибори мамлакат учун катта ижтимоий аҳамиятга молик бўлган, аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари (талабалар, аёллар, мухожирлар ва ҳ.к.) учун ишчи ўринлари яратадиган, кам тарақкий этган минтақалар ва туманларнинг юксалишига ёрдам берадиган кичик бизнес

корхоналарига қаратилди. Бундан ташқари, Испания хукумати фан сифимили тармоқлар, инновацион технологияларни уларнинг ички бозорни ривожлантириш учун ҳам, ҳалқаро иқтисодий ҳамкорлик учун ҳам катта аҳамиятини англаған ҳолда ривожлантиришга алоҳида ургу бермоқда. Европа дастурлари кичик бизнесни ривожлантириш дастурларининг катта ҳиссасини эгаллади. Улар Европанинг кўпгина мамлакатлари, хусусан, Германия, Франция, Буюк Британияга тарқалди.

Испанияда давлат тарафидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун кўплаб ташкилотлар ва фонdlар рағбатлантирилади. Бу ташкилотларни нафақат Испания ҳудудида, балки Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларида кузатиш мумкин. Уларнинг кичик бизнесга қўмаклашиш соҳасида амал қиласиган жамиятнинг иккита оммавий ва самарали гурухларини ажратиш мумкин. Биринчи гурухни ўзаро кафолатлаш жамиятлари ташкил қиласиди. Бу ташкилотлар кредитлар берисида кредиторлар олдидаги кафолатланган мажбуриятларни таъминлайди, хусусан, гаров таъминоти сифатида мулк тақдим қиласиди. Иккинчи гурухга ўзаро молиялаштириш жамиятлари киради. Бу жамиятлар бевосита кичик корхоналарни молиялаштириш, инвестициялаш, субсидиялаш билан шуғулланади. Бундай жамиятлардан бири Испанияда расмий кредитлаш Давлат институти ҳисобланади.

Шу каби Испаниянинг ҳар бир шаҳрида ўз филиалларига эга бўлган кичик бизнес ассоциацияси ва савдо-саноат палатаси каби кичик бизнес манфаатларини қўллайдиган қатор ташкилотлар амал қиласиди. Испанияда бюрократиянинг паст даражада эканлигини кичик бизнес ривожланишининг ижобий омили сифатида келтириш мумкин. Корхоналарни рўйхатга олиш, лицензия олиш – буларнинг ҳаммасини амалдорлар томонидан ҳеч қандай қофозбозликларсиз 24 соат ичидаги

бажариш мумкин³. Ваҳоланки, буни мамлакат норезидентлари ҳам амалга оширишлари мумкин. Европа Иттифоқининг ҳар бир мамлакатида шундай қулай шароитлар амал қилмоқда. Шундай қилиб, ҳатто хорижлик фуқаролар ҳам кичик бизнес соҳасини ривожлантирумодалар. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси кичик тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши учун қулай муҳитни яратади.

Германияда кичик бизнес⁴

Германияда кичик бизнес иқтисодиётнинг фаол ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Кичик бизнес корхоналарини молиявий ва технологик қўллаб-қувватлаш ҳокимиятнинг барча бўғинларида амалга оширилмоқда. Германияда кичик бизнеснинг ривожига қўмаклашиш дастурлари қатор ривожланган мамлакатлар каби, энг аввало, ишлаб чиқаришнинг фан сиғимли тармоқларини устувор қўллаб-қувватлашни ҳам кўзда тутади. Давлат молиялаштириш органлари томонидан кичик бизнесни имтиёзли кредитлаш қуидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- инновацион фаолиятга йўналтирилган кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш;
- атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ қулай экологик вазиятни сақлаш ва яхшилашга қаратилган лойиҳаларни кредитлаш;
- Германиянинг қолоқ иқтисодий минтақаларини ривожлантиришда қатнашадиган кичик бизнесни кредитлаш;
- қурилиш ва турар жой муаммолари билан шуғулланадиган корхоналарни кредитлаш;
- ишлаб чиқаришни тубдан модернизациялашга муҳтож маълум тармоқларда банд корхоналарни лойиҳали молиялаштириш.

Қуидагилар Германияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг асосий дастурлари ҳисобланади:

- ✓ «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарига нисбатан илмий-техника сиёсатини ривожлантириш концепцияси»;

³ Светлана Зангеева. Проблемы и перспективы бизнеса в России. // «Эспрессо» – итальянская газета в Москве. Рубрика «Интервью», №8 (42) 1. 15 июля 2008 года.

⁴ [http://www.bmwi.de/Homepage/English%20 pages/The%20ministry/DG08.jsp](http://www.bmwi.de/Homepage/English%20pages/The%20ministry/DG08.jsp) – Сайт генерального Директората малого и среднего бизнеса, ремесленничества, услуг и свободных профессий Германии.

✓ «Ўз ишини очиш учун жамғармаларни рағбатлантириш» дастури.

Биринчи дастур Германияда кичик бизнесни молиялаштиришни таъминлайди, иккинчиси «start-up» З лойиҳалари деб номланиб, ўз бизнесини очишга қўмаклашади. Ихтисослашган давлат органи – бевосита федерал ҳукуматга бўйсунадиган тиклаш бўйича Кредит кенгаши юқорида кўрсатилган дастурларнинг амалга оширилишини назорат қиласи ва уларнинг бажарилиш механизмини таъминлайди.

Федерал дастурларни амалга ошириш доирасида бизнес учун имтиёзли шароитларда кредитлар тақдим қилинади. Мазкур шартлар паст фоиз ставкаси (5-8%) ва кредитлашнинг узоқ муддатларини (5-15 йил) кўзда тутади.

Германияда кичик бизнес ўзига хосликка ва ривожланиш тарихига эга эканлигини қайд этиш лозим. Хусусан, капитализм вужудга келган даврдаёқ биринчи йирик тадбиркорлар гуруҳлари пайдо бўлиши билан савдо-саноат палаталари тузишни бошладилар. Улар ишлаб чиқариш ва савдони ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича биринчи бирлашма ва уюшмалар ҳисобланади.

Хозирги пайтда савдо-саноат палаталари давлат органлари даражасига қадар ривожланди ва эндиликда ҳар бир тадбиркор палата таркибиға киришга мажбур.

Германияда кичик бизнесга тааллуқли бирорта ҳам ҳуқуқий ҳужжат савдо-саноат палатасининг маъқуллаши, розилиги ва тасдифисиз ўтмайди. Германия савдо-саноат палаталари Ассоциацияси барча палаталарни ўзида бирлаштиради ва федерал даражада тадбиркорлар манфаатларини мужассамлаштиради. Бу ҳамкорлик ассоциациясининг асосий вазифаси Европа иттифоқи мамлакатлари савдо-саноат палаталари вакиллари билан узвий иш олиб боришдан иборат. Бутун Ассоциация биргаликда Европа ҳамкорлиги савдо-саноат палаталари бирлашмасини тузади. Хозирги пайтда Германия савдо-саноат палаталари барча даражаларда бюджетларни шакллантириш, қурилиш ва саноатни ривожлантириш, кичик корхоналар фаолиятини тартибга солишга тегишли қонун лойиҳаларини тайёрлашда қатнашадилар. Савдо-саноат палаталари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари йиғилишларида қатнашиб, мамлакатни ривожлантириш соҳасида муҳим ижтимоий-иктисодий қарорни қабул қилган ҳолда жамият ҳаётининг барча томонларига катта таъсирга эга. Бу бир бутун инфратузилма бўлиб, унда ОАВ вакиллари ҳам, маслаҳатлар хизмати ҳам қатнашади. Палаталарнинг асосий устувор вазифаси Германиянинг кичик бизнесига ҳар қандай қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатишдан иборат.

Юқорида кўриб чиқилган хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда юқори технологияларни кичик корхоналар фаолиятига жалб қилиш, кичик корхоналар шаклидаги инновацион технологиялар кластерларини, айниқса, қолоқ ҳудудларда ривожлантириш, маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда

экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришларини рағбатлантириш, тармоқ ва соҳалар ўртасида кооперация алоқаларини кучайтириш орқали уларнинг самарадорлигини ошириш мумкин бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Основные характеристики систем государственно-общественной поддержки и развития малого и среднего предпринимательства зарубежных стран. // Пятая Всероссийская конференция представителей малых предприятий «Инфраструктура развития и поддержки малого и среднего предпринимательства». М., Московский центр развития предпринимательства, 2017.
2. Светлана Зангеева. Проблемы и перспективы бизнеса в России. // «Эспрессо» – итальянская газета в Москве. Рубрика «Интервью». №8 (42) 1. 15 июля 2008 года.
3. Ruzmetov, B., Ruzmetov, S., Bakhtiyorov, S., Dzhumaeva, Z., & Juraev, K. (2023). Formation of supporting points for production growth based on diversification of the regional industry. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 449, p. 01001). EDP Sciences.
4. Жумаева, З. К. (2023). ПУТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА. *Gospodarka i Innowacje.*, 42, 530-533.
5. Xalilov, B. (2024). ISSUES OF IMPROVING THE FINANCIAL MECHANISM OF SMALL BUSINESS ENTITIES. Modern Science and Research, 3(1), 747-753.
6. Raxmonqulova, N. (2024). MAIN PRIORITY DIRECTIONS OF REGIONAL ECONOMY DEVELOPMENT. Modern Science and Research, 3(2), 371-375.
7. Sodiqova, N. (2024). TADBIRKORLIK SOHASINI MALAKALI KADRLAR BILAN TA'MINLASHNING ASOSIY YO'NALISHLARI. Modern Science and Research, 3(1), 123-132.
8. Жумаева, З. К. (2023). ПОТЕНЦИАЛ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ РЕГИОНА. *Gospodarka i Innowacje.*, 41, 333-337.
9. Расурова Н. Н. Государственная поддержка развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане //Ученый XXI века. – 2017. – №. 2-2.

10. Jumaev, K. K., Makhmudova, N. S., & Shomurodov, A. (2020). Yu. Yahyayev N. Sh. *Mathematical model of the process of phase separation of oil sludge under the influence of centrifugal force. Mathematical model of the process of phase separation of oil sludge under the influence of centrifugal force*, 10(11), 539-544.
11. Zhumaev, K. K., Sh, A. S., & Tukhtaev, B. O. (2017). Application of regular nozzles in contact heat and mass transfer apparatuses. *Problems of science and education*, (2), 28-29.
12. Акрамова О. К. Обеспечение инвестиционной безопасности как автономный фактор повышения инвестиционной привлекательности //Информатика. Экономика. Управление-Informatics. Economics. Management. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 0208-0216.